

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ ХУСУСИДА

Толипов Файзулла Саидович,
доцент тарих фанлари номзоди
Ўзбекистон миллий университети мустақил
илмий тадқиқотчиси

For citation: Fayzullo S.Talipov. About some aspects of the history of the development of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. 2019, vol. 1, issue 12, pp. 74-90.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-10>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон мустақиллиги йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг қўллаб-қувватланиши, соҳанинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи хусусида сўз юритилади. Унда маиший хизмат кўрсатиш, савдо сотиқ ва бошқа соҳалардаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилишдаги айрим чора-тадбирлари ҳам баён қилинган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси, мулк, аҳоли, кичик корхона, фермерлик, хусусийлаштириш, муаммолар, бандлик.

О ОСОБЕННОСТИ ИСТОРИИ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Талипов Файзулла Саидович,

кандидат исторических наук, доцент
научный соискатель Национального университета
Узбекистана

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы истории развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане, а также поддержки предпринимательской деятельности в годы независимости. В ней прослеживаются достижения и проблемы, пути их совершенствования отраслей услуг, торговли и других направлений данной сферы.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, сфера услуг, имущество, население, малое предприятие, фермерство, приватизация, проблемы, занятость.

ABOUT SOME ASPECTS OF THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN

Fayzullo S. Talipov,

Candidate of historical sciences, associate professor, researcher at the National University of Uzbekistan

ANNOTATION

The article describes the legal framework for the development of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan during the years of independence, achievements in the field, the challenges and measures taken to address them. It also spoke about the states attention to entrepreneurship today and the strategy for its development.

Key words: small business, entrepreneurship, farming, field services, property, community, small business, privatization, problems, employment.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатни ривожлантиришга, иқтисодий вазиятини мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган, мулкдорлар табақасининг пайдо бўлишига кўмак берувчи соҳага айланган. Тадбиркорлик бозорни зарур истеъмол товарлари ва

хизматлар билан бойитишга хизмат қилувчи, даромад ва фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Бу янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган тизимдир.

Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигининг дастлабки кезларида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, хусусий мулкчиликни шакллантириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи, стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилди. Халқ хўжалигидаги барча соҳа тармоқларини оммавий хусусийлаштириш учун кенг имконият яратилди, барча чеклашлар олиб ташланди. 1994-1995 йиллардаги хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичида асосан очиқ типдаги акционерлик жамиятлари фаолиятини кенгайтириш, корхоналар акцияларини тадбиркорларга аукционлар орқали сотиш, оммавий хусусийлаштириш ва кичик бизнеснинг ролини ошириш учун қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришга эътибор қаратилди [1].

1. Умуман, 1992-1996 йилларда республикада давлат мулки объектларини хусусийлаштириш туфайли 1 миллион 74 минг киши тураржой эгаси, 2 миллион киши халқ хўжалигининг барча тармоқларида хусусийлаштирилган корхоналар акциялари, пайларининг эгалари, қишлоқ жойларида эса, 3 миллион киши ёрдамчи хўжалик, 19 минг киши кўчмас мулк эгаси бўлганлар [2].

2. Мулкни хусусийлаштириш жараёни нафақат давлат мулк объектларига нисбатан, балки савдо, хизмат кўрсатиш, уй-жой фондига нисбатан ҳам олиб борилди. Фикримизнинг исботини қуйидаги рақамлар ҳам исботлайди. Масалан, 1992-1993 йилларда 28 минг 846 та юридик шахс 53 минг 902 та хусусий объект эгаси бўлган. Бу жараён вақт ўтган сари кўпайиб борган. 1994 йилда 9744, 1995 йилда 8584 та, 1996 йилнинг биринчи ярмида 933 та юридик шахс хусусий объект эгаси бўлган. Бир сўз билан айтганда биринчи босқичда, яъни 1992-1993 йилларда 1 миллион квартира хусусийлаштирилган ёки Ўзбекистон шаҳарларидаги ҳар оилада ўртача 4,7 киши бўлган бўлса, қарийиб 5 миллионга яқин кишининг квартиралари хусусийлаштирилиши натижасида мулкдорга айланганлар [3].

Аниқроғи, юқорида қайд қилинган дастурларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси нинг 1994 йил 29 мартадаги Давлат дастурига мувофиқ, шу йилнинг ўзида 5 минг 127 та объект хусусийлаштирилиб, тадбиркорларга тақдим қилинган. Бундан ташқари қўшимча тарзда дастурга кирмаган 4 минг 617 та объект ўз эгасини

топган. Хусусий тадбиркорлар 57 та консерва цехини, 120 та гишт заводини, 92 та тўқувчилик цехини сотиб олганлар. Қишлоқ хўжалигида эса мевазор боғларнинг ярмидан ортиғи, узумзорларнинг 40 %и хусусий фойдаланиш учун берилган. Деҳқон хўжаликлари учун 193 минг гектар ер ажратилиб, 7 минг деҳқон хўжалиги пайдо бўлган. 1994 йил охирига келиб улар сони 14, 2 мингтага етган [4].

Аммо ўша кезларда соҳада қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг мавжуд ҳолати бир неча йиллар соҳа тараққиётига тўсиқ бўлиб келди. Хусусан, 1997 йил 1 июнига қадар рўйхатдан ўтган корхоналар таркибида кичик ва ўрта корхоналар салмоғи коммунал хўжаликда 42,9 %, маиший хизмат соҳасида 85,0 %, қурилишда 89,3 %, қишлоқ хўжалигида 89,9 %, саноатда 93,5 %, савдода 95,3 %, умумий тижоратда 96,6 %ни ташкил этган бўлсада, амалда эса рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини давом эттираётган корхоналар улуши 20 % ни ташкил этган холос [5]. Қолганлари эса турли сабалар билан ёпилиб кетган.

3. Бу эса, ўша кезларда шубҳасиз жамиятда мулкдорлар синфини шакллантириш йўлидаги айрим тўсиқлар сифатида соҳанинг мавжуд шарт шароитлар ва стандартлар талабига жавоб бермаганлиги, айрим давлат органлари тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қонуний таъминламаганлиги каби омиллар билан изоҳланади. Яъни, бу борада 1991-1996 йиллар мобайнида иқтисодий ислоҳотларнинг барча йўналишларида етарли институционал ўзгаришларга эришилмади. Хусусан, турар жойлар, савдо хизмат кўрсатиш соҳалари, матлубот жамияти объектлари ва турли тармоқларнинг кичик корхоналарини хусусийлаштириш амалда тугалланган бўлсада, ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳали давом этар эди [6].

Айниқса хусусийлаштиришда мулкдорларга тўлиқ имкониятларнинг берилмаганлиги, ноқонуний ва ортиқча текширишларнинг кўпайиб кетганлиги, банк кредитларини олишдаги сансалорликлар натижасида кўпгина тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлганлар. Масалан, рақамларга мурожаат қилинса, республика бўйича 1996 йилда ташкил қилинган 7400 кичик корхонадан 20 %, 1998 йили эса 3700 та корхонадан 70 % тугатилиб кетган. Фақат Тошкент шаҳрида 1991 йилдан 2000 йилнинг 1 январига бундай бўлган даврда 26 мингта кичик ва ўрта бизнес корхоналаридан 6000 таси яроқсиз, деб топилган, шулардан 4300 таси тугтатилиш арафасида турган, натижада республика бўйича рўйхатдан ўтган корхоналардан 18,7 %и ёки 33490 таси тугатилган [7].

Албатта, бундай муаммоларни олдини олиш борасида Вазирлар

Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги «Ки—чик ва ўртача тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори вазирликлар, бошқармалар, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлар манфаатига, давлат қонунларига зид бўлган салбий ҳолатлар учраб турган.

Жумладан, 1992-1998 йиллар таҳлили бўйча прокуратура органлари тадбиркорлик соҳасига таалуқли ноқонуний ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларининг 137 тасига протест келтирганлар [8]. Бунинг сабаблари қуйидагича, яъни солиқ ташкилотлари томонидан тадбиркорлар уюшмасига мажбурлаб киргизилиши, акс ҳолда молиявий ҳисоботни қабул қилмаслик тўғрисидаги талабнинг қўйилиши, тадбиркорларнинг манфаатларини солиқ инспекцияси вакиллари, санитария ва бошқа хизматчиларнинг қонунга зид ҳаракатларидан ҳимоялашнинг самарали механизми етишмаслиги кабилардир [9].

Шу боисдан ўтган йилларнинг аччиқ тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу соҳада кўплаб муаммолар ҳақида гапирган Президент Шавкат Мирзиёев “...хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлаш зарур. Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, муаммоли саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний ҳуқуқи бор. Бу ҳуқуқни улар турли маълумотнома, рухсатнома ва сертификатлар, кредит олишда неча кунлар навбатда туриш, ноқонуний текширувлар, бой берилган иқтисодий ва молиявий фойда ҳисобидан қўлга киритган. Шу сабабли улар ўз ишида камчилиги ва қонунбузарлик ҳолати бўлмаса ҳам турли даражадаги амалдорлар билан «келишиб олишга» мажбур бўлмоқда” [10], дея қайд этади.

Мамлакатимиздаги демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятини инобатга оладиган бўлсак, республикада аҳоли, айниқса, меҳнатга қобилиятли ёшларнинг сони тез ўсиб бормоқда. Мамлакат аҳолисининг 32 % ни, ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади [11]. Демографик омилнинг муҳим таркибий қисми сифатида аҳолининг табиий ўсиш даражаси асосида масалан, 1980 йилда Ўзбекистонда аҳоли 15 млн 757 минг кишини ташкил этган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткич 20 млн 322 минг кишини, 2001 йилда эса 25 млн 210,8 тани ташкил этган [12]. 2008 йилда Ўзбекистонда доимий яшовчи аҳоли 27,3 млн кишини ташкил қилган бўлиб, 1991-2008 йилларда аҳоли 6,6 млн кишига кўпайган [13]. 2025 йилда мамлакат аҳолиси 35 млн кишидан ошиши тахмин қилинмоқда [14].

4. Агар аҳолининг ўсиш динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатда аҳоли сони сўнги 35 йил ичида 1,4 баробарга кўпайган.

Аҳолининг тақсимланиши бўйича бир квадрат километрга ўртача 56,1 киши тўғрикелади [15]. Шу нуқтаи назардан қараганда, ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш — мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир. Бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишларидан бири - кичик бизнес корхоналари сонини кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Бундан ташқари, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми, яъни салкам 60 %и қишлоқ жойларида яшайди. Бугунги кунда айнан қишлоқ жойларида одамларни иш билан банд қилиш, даромад манбалари билан таъминлаш, кескин муаммо бўлиб турибди. Бу муаммо ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ. Табиийки, бу масалани қишлоқ хўжалигида ўз ҳолича ҳал қила олмайди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш борасида бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради.

5. 2000 йиллар бошидан эътиборан, республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани боис, одамлар онгида бозор психологияси, мулк ва унга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгара бошлади. Айниқса мустақилликнинг дастлабки йилларига қараганда, ушбу босқичда бизнес ва тадбиркорлик соҳасида иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб борди. Жумладан, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон Республикаси умумий бандлигидаги улуши 2001 йил 53% дан 2004 йил 57,2% га ва 2007 йил 76,7% гача кўтарилди [16]. 2015 йилга келиб иш билан банд аҳолининг 74 % идан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келган бўлсада, бу 2007 йилга нисбатан 2,7 % га камайган [17].

Таҳлилларга кўра, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат умумий ялпи ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам соҳанинг ривожланиши қай даражада эканини кўрсатадиган омилдир. Масалан, кичик бизнес ва тадбиркорликдаги ишлаб чиқилган маҳсулотнинг ва хизматларнинг жами Ўзбекистон Республикаси ялпи ишлаб чиқаришидаги улуши 2001 йил 33,8 % ни 2004 йил 35,6% ни 2007 йил 46% ни ва 2008 йил 48,2% ни ташкил қилган [18]. 2013 йилга келиб ушбу кўрсаткич, 2010 йилдагига қараганда 2,5 баробар ошган”. Бу эса мос равишда бундай субъектлар сони тобора ошиб борганлиги билан ҳам белгиланади. Масалан, республикада кичик бизнес корхоналарининг сони йилдан йилга ошиб борган. Жумладан, рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони 2008 йил бошига келиб 2000 йилдагига нисбатан 2,6 баравар ўсган [19].

2015 йилга келиб республикада иш билан банд аҳолининг 74 %идан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлган [20]. 2016 йилда бандликни таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурларнинг амалга оширилиши, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш натижасида, фақат иқтисодиётнинг барча тармоқларида 3,8 миллионта янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 74 %идан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун ҳар йили тижорат банклари томонидан 1 триллион сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари берилган. Масалан, 2017 йилгача республикада хусусий хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларида иш билан банд бўлганлар сонини ҳали талаб даражасида, деб бўлмайди [21].

Ваҳоланки, мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ўсиш динамикасига эътибор қаратилса, 2000-2010 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони қарийиб 2 баробар ошган. 2010 йилга келиб Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 1000 нафарига 15,2 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти тўғри келган. Мазкур кўрсаткич Молдовада 12,3 та, Қозоғистонда 6,9 та, Россияда 11,3 та, Украинада 7.5 та, Белорусияда 7,3 та, Озарбайжонда 1,6 тани ташкил қилганлигини кўриш мумкин. Агарда соҳада банд бўлган аҳоли салмоғини хориж давлатлари билан қиёсласак, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес корхоналари сони АҚШ да 74,2 тани, Японияда 49,6 тани, Европа Иттифоқи мамлакатларида ўртача 45 тани, шу жумладан, Францияда 35 тани, Германияда 37 тани, Буюк Британияда 46 тани, Италияда 68 тани ташкил этади [22].

Аммо бизнингча, соҳанинг ривожланиш тенденцияси фақат статистик рақамлар, ёки унинг ўсиш динамикаси билан баҳоланмаслиги керак. Ваҳоланки, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган корхоналар маҳсулотнинг сифати ва истеъмоли борасида бир-бири билан етарли даражада ўзаро рақобатлаша олганлари йўқ. Бундай ҳолатни маҳсулотлар сифати ва экспортида, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида тузилаётган шартномаларнинг бажарилмаслигида, етказиб беришдаги камчиликларда, инвестицияларни жалб этиш ва хорижга маҳсулот сотиш каби ҳолатларда кўриш мумкин.

Бу борадаги ўсиш кўрсаткичларини 2007-2011 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга

эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг кишига ёки 4,96 марта кўпайганлигида ҳам кўриш мумкин. Деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745 минг кишига ёки 18,5 % га ортган [23].

6. Шу билан бирга соҳада қатор камчиликларга ҳам йўл қўйиб, айниқса тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишдаги таниш билишчилик, порахўрлик, ортиқча текширувлар ва қоғозбозликларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Масалан, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қуватлаш ҳамда уларнинг ривожини учун қулай шароит яратишга қаратилган фаолиятини ўрганиш мақсадида эса 2009-2011 йилларда Тошкент шаҳрида мониторинг ўтказилган. Мониторинг давомида фаолият олиб борган тадбиркорлар билан анкета натижалари, шунингдек, уларнинг фикрича кўпинча маълум қийинчиликлар юзага келадиган қўйидаги ҳолатлар аниқланган:

- солиққа тортиш соҳаси бўйича сўралганларнинг 12,9 %;
- банк ҳисоб-китоб операциялари бўйича 12,9 %;
- рухсатномалар олиш ва келишувларга эришиш юзасидан 22,5 %;
- ноқонуний текширишлар юзасидан 29,5%, рўйхатга олиш бўйича 3,2%;
- экспорт-импорт операциялари бўйича 12,9%;
- лицензиялаш бўйича 6,4%, сертификатлаш ва стандартлаштириш юзасидан 19,3% тадбиркорлар тўсиқларга учраётганликларини кўрсатганлар [24].

Мониторинг давомида тадбиркорлар билан ўтказилган анкета, ижтимоий сўров хулосаларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатганки, Тошкент шаҳридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг барчаси амалда бир-бирига ўхшаш қийинчиликларга дуч келганлиги аён бўлади. Сўралган тадбиркорлар томонидан текширишларнинг кўпи 13,0%, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари мансабдор шахслари ва ходимларининг қўпол муносабати 11,0%, солиқлар миқдорининг катталиги 10,0%, ҳисоботнинг мураккаблиги 8,0%, бюрократизим 7,0% кабилар ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир ўтказадиган омиллар қаторида тилга олинган [25].

7. Агар Ўзбекистонда аҳолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги билан бандлиги инобатга олинса, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида хизмат кўрсатиш тармоқлари, кичик корхоналар сонининг кўпайиши ҳисобига 2007 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 98 % қишлоқ хўжалигига тўғри келган бўлса [26], 2010-2016 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги айрим соҳаларининг тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга их-

тисослашиши натижасида, улар билан боғлиқ тадбиркорлик субъектларидаги иш ўринлари сони 3,9 %га ортган. 2017 йилда эса дастурга мувофиқ саноатни (5440 та лойиҳада 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолияти кучайтирилди [27].

8. 2015 йилда эса республикада 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлаган бўлиб, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 200 мингтага етган [28], 2016 йилга келиб кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида жами банд бўлган аҳолининг 78% меҳнат қилганлиги қайд этилади [29]. Дарҳақиқат, бу борада қатор муаммолар мавжуд эди. Хусусан, статистик маълумотлар ва соҳада олиб борилган чора тадбирларни халқаро ташкилотлар томонидан белгиланишича, 2015 йилда Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш-2016: сифат ва эффектив бошқарувни баҳолаш” дастурига мувофиқ Ўзбекистон дунёдаги 189 давлат орасида 87 ўринни эгаллаган бўлиб, 2012 йилда бу кўрсаткич 2011 йилдаги 166 ўриндан 14 ўрин юқорига кўтарилганлигини ижобий натижа деб, бўлмади [30]. Ваҳоланки, қатор расмий маълумотларга кўра, тадбиркорлар учун имкониятларни яратиб беришда ҳали кўплаб муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, республика Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” соҳасидаги рейтингида, қурилиш бўйича 134-ўринни эгаллаган. Шунингдек, Ўзбекистонда бизнес юритишда қурилиш соҳасида рухсат беришга оид 17 та тартиб мавжуд бўлиб, уларни олиш учун ўртача 246 кун сарфланар экан [31].

Албатта, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорларни бизнес юритишларидаги яратилган имкониятлар ва шарт шароитларнинг жорий ҳолати хориж давлатлари билан таққослаш учун етарли эмас. Шу боисдан, ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан 2018 йилда Республика Президентининг “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинган [32]. Унда Ўзбекистондаги бизнес юритиш учун мавжуд шарт-шароитлар халқаро нормалар ва стандартлар талабларига ҳанузгача жавоб бермаётганлиги, айрим давлат органлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларнинг амалдаги ижросини етарли даржада таъминламаётганлиги қайд қилинган.

Тадқиқотларга кўра ўз нуфузи, салмоғи ва банд бўлганлар сонига кўра мамлакатда тадбиркорлик соҳалари орасида савдо тижорат, хизмат кўрсатишдан сўнг, кейинги ўринда, саноат ва транспорт соҳаларидаги бизнес юритиш соҳаси туришига гувоҳ бўлдик. Агар рақамларга мурожаат қилинса, масалан, 2008 йилда жами 2182,1 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, шунинг 13% кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келган. 2018 йилда эса кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида фаоллашгани туфайли уларда ишлаб чиқариш ҳажми 7,5%га ошиши таъминланган [33]. 2019 йилнинг сўнги 8 ойи мобайнида республикада 70 минга яқин тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинган [34].

Тадбиркорлар орасида ўтказилган сўровномаларга кўра, соҳадаги яна асосий муаммолардан бири, коррупциядир. Сўнги йилларда ижтимоий ҳаётимиздаги очиқлик, шаффофлик, адолат тамойилларига кўра, кўплаб муаммолар ҳам ошкора айтила бошланди. Бевосита коррупция билан боғлиқ муаммоларга оид статистик маълумотларга кўра, биргина 2018 йилда республика бўйича хуфёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши кураш борасида 8146 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 3392 та ҳолатда маъмурий иш, 4178 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган. Мазкур жиноят ишларининг 617 таси тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқдир [35].

Тадқиқотчилар томонидан ёшлар орасида ўтказилган социологик сўровлар натижаларига кўра, “Сиз келажакда бизнес ва тадбиркорлик билан шуғилланишни хоҳлайсизми?”, деган саволга уларнинг салкам ярми, яъни 43,8% “ҳа”, деб жавоб берган бўлсалар, 15,7% “ҳозирги кунда шуғилланмоқдаман”, деб жавоб берган. Сўрлаганлар орасида бизнес ва тадбиркорлик билан шуғилланишни хоҳловчиларнинг катта қисмини аёллар ташкил қилиши тасдиқланган. Умуман, тадқиқот натижаларига кўра, ушбу кўрсаткич эркалар орасида 39,1% ни, аёллар орасида 39,9% ни ташкил этган [36].

9. “Келажакда Сиз бизнеснинг қайси тури билан шуғилланишни хоҳлайсиз”, деган саволга, сўралганларнинг 46,4% савдо-тижорат, хизмат кўрсатиш соҳаларини танлаганлар, 26,8% қурилиш, енгил саноат, озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан, 16,4% мева-сабзотни қайта ишлаш соҳасидаги бизнес тури билан, 7,9% и эса интеллектуал бизнес соҳаси билан шуғилланишни хоҳлайман, деб жавоб бердилар [37]. “Бу борада Сизнинг молиявий имкониятларингиз қай даражада”, деган саволга 15% “ҳа имкониятларим бор”, 11,7% “бу борада имкониятларим йўқ”, деган бўлсалар, 73,3% “келажакда бунинг

имкониятларини топаман”, деб жавоб бердилар. Ваҳоланки, бу шубҳасиз, келажакда ёшларнинг бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш юзасидан олиб бориладиган ишларни такомиллаштиришни назарда тутди.

Кейинги йилларда тадбиркорларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини яхшилаш мақсадида, 2017 йилнинг июль-декабр ойлари давомида Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган халқ билан фаол мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш учун республикамиз шаҳар ва қишлоқларига “Сайёр қабуллар” уюштирилган. Очiq мулоқотларда 58 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлардан турли масалаларга оид 32 минг 176 шикоят, ариза ва таклифлар ўрганилган.

Эътиборли томони шундаки, мурожаатларнинг энг кўпи, яъни 8 мингдан зиёди, ёки 25 % асосан тадбиркорларнинг банк кредитлари билан боғлиқ муаммолардир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси билан боғлиқ муаммолар 7 мингдан ортиқ-22%, бандлик ва иш ҳақи тўловлари 3 минг 973 та-12 %, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар 3 минг 350 та-10%, одамларга участка ва уй жой ажратиш 2 минг 473 та-8 % ни ташкил этган . Ҳозиргача маҳалладаги тадбиркорларга тегишли мурожатларнинг 96 %и, яъни 30 минг 876 таси ҳал этилган. Улардан 8 минг 326 таси соҳалар фаолиятига оид таклиф ва тавсиялардан иборат [38].

10. Бандлик ва иш ҳақи тўловлари 3 минг 973 та-12 %, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар 3 минг 350 та-10%, одамларга участка ва уй жой ажратиш 2 минг 473 та, яъни 8 % ни ташкил этган. 2018 йил апрелгача тадбиркорларга тегишли мурожатларнинг 96 %и, яъни 30 минг 876 таси ҳал этилган. Улардан 8 минг 326 таси соҳалар фаолиятига оид таклиф ва тавсиялардан иборат. Шунга қарамасдан, Республикада молия, бандлик, касаба уюшмалари, банк ва бошқа мутасадди идоралар томонидан мамлакат бўйича аниқланган кредит олиб бизнес юритиш истагини билдирган кам таъминланган 5 минг 771 оилага 33,3 млиард сўм миқдориди имтёзли кредитлар ажратилиши таъминланган [39].

Шу боисдан 2018 йил Ўзбекистонда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб номланиши муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатиладиган бўлди. Айниқса тизимнинг муҳим асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Халқ қабулхона”лари ва “Виртуал қабулхона”си фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик тизими сифатида амалда ўзини оқламоқда.

Масалан, 2018 биринчи ярмигача Халқ қабулхоналарига 1,5 миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилган бўлса, 2019 йилнинг сўнги 3 ойи мобайнида 12 мингдан зиёд тадбиркорлардан мурожаатлар келиб тушган ва юз минглаб одамларнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ҳал қилинган. Маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида “Обод қишлоқ” мақсадли жамғармалари тузилиб, улар ҳам жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўмаклашиб келмоқдалар. «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз» каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратишиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилган [40].

11. Мазкур мақола якуни бўйича тадқиқотлар асосида истиқболда соҳа тараққиётини яхшилаш учун бизнингча қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш ва бу борада қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

- кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат идораларининг (тижорат банки, суғурта компаниялари, солиқ идоралари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва ҳоказоларнинг) ресурсларни тақсимлаш ва нархини белгилаш жараёнига ва бошқа фаолиятларга аралашувини мутлақо тақиқлаш бўйича махсус қонун ишлаб чиқиш зарур;

- давлат рўйхатидан ўтиш ва лицензия олишдаги тўсиқлар, қийинчиликлар, лицензия талаб этиладиган фаолият турларига давлат хавфсизлигига бевосита хавф туғдириши мумкин бўлган фаолият турларигина кириши мумкин. Тадбиркорликнинг бошқа турларига бўлган лицензияларни эса, рақобатнинг ривожланишига тўсиқ сифатида бекор қилиш лозим;

- кичик бизнес эгаларининг давлат жойларини ижарага олишда, коммунал ва бошқа тўловларни тўлашдаги манфаатларининг кўпчилик ҳолларда камситилишига йўл қўймаслик чораларини кучайтириш, шартнома тузишдаги ва уни бажаришдаги ҳуқуқий механизмни, айниқса олинаётган жой учун ижара шартномаси муддатини бир йилга эмас, балки уни янада узайтириш зарур;

- кичик бизнес субъектларига нисбатан моддий-техник, ресурслар билан улгуржи савдо қиладиган суғурта ва баъзи бошқа хизматларни кўрсатадиган йирик ташкилотлар, тижорат банклари, коммунал ва эксплуатацион хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг яккаҳокимлигини тугатиш зарур;

- тадбиркорлар учун фойдаси бўлмаган шартномалар тузишни таққлаш;

- тадбиркорларнинг манфаатларини кичик бизнес эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда судларнинг ролини янада кучайтириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, республикада мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан амалий қадамлар қўйилиб, бу борада айрим муаммолар юзага келган бўлсада, бугунги кунда ушбу соҳани янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини тараққий эттириш асосий вазифага айланди. Тадбиркорликда турли имтиёзлар шакллантирилиб, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳам ундан баҳраманд бўлмоқдалар. Бу эса ушбу соҳа мамлакатни келажакда тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқишидан дарак бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримова Т. Особенности процесса разгосударствления и приватизации в Узбекистане. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №9. –Б.11. (Karimova T. Optional procedures for consolidation and privatization in Uzbekistan // Social Sciences in Uzbekistan. No. 9-B.11.)

2. Ўзбекистон давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Бюллетени. –Тошкент, 1996. 1-сон. –Б.7. (Bulletin of the Committee on State Property Management and Entrepreneurship Support in Uzbekistan. – Tashkent, 1996. Issue 1 -B.7.)

3. Ўша манба. –Б.331. (The same source. –P.331.)

4. Ўзбекистоннинг янги тарихи.//Мустақил Ўзбекистон тарихи.– Тошкент, 2000. –Б.332. (The modern history of Uzbekistan. // History of independent Uzbekistan. – Tashkent, 2000. – P.332.)

5. Эгамбердиев Э., Хўжақулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.– Тошкент, 1999. –Б.79. (Egamberdiev E., Khodzhakulov H. Small business and entrepreneurship. – Tashkent, 1999.)

6. Ўзбекистоннинг янги тарихи.//Мустақил Ўзбекистон тарихи.– Тошкент, 2000. –Б.339. (The modern history of Uzbekistan. // History of independent Uzbekistan. – Tashkent, 2000. – P.339.)

7. Ўша жойда(Ibid)

8. Абдусаломов М, Отахонов Ф. Контрактация шартномалари, талабнома ва даво аризалари. –Тошкент, 1998. –Б.67.(Abdusalomov M., Otakhonov F. Contracts, claims and claims. –Tashkent, 1998. –P.67.)

9. Эгамбердиев Э, Хўжақулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. –

Тошкент, 1999. –Б.63. (Egamberdiev E., Khodzhakulov H. Small business and entrepreneurship.- Tashkent, 1999. – P.63.)

10. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик -ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент, 2017. –Б.39. (Mirziyoyev Sh. Critical analysis should be a strict discipline and personal responsibility - a daily routine for each leader. –T Tashkent, 2017. –P.39.)

11. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. –Тошкент, 2017. (Shavkat Mirziyoyev. Together we will build a free and prosperous, democratic Uzbekistan. // Speech at a joint meeting of the chambers of the Oliy Majlis on the inauguration of the President of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent, 2017).

12. Ата-Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р. Ўзбекистан многонациональный историко-демографический аспект. -Тошкент, 2011. – С. 201. (Ata-Mirzaev O., Gentshke V., Murtazaeva R. Uzbekistan multinational historical and demographic aspect. – Tashkent, 2011. 201).

13. Мамадалиева Х. Ўзбекистон минтақаларида демографик вазият ва ундаги ўзгаришлар//Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. – Тошкент, 2009. –Б.408. (Mamadaliyeva H. Demographic situation and changes in the regions of Uzbekistan. // Factors of mitigating the impact of the global financial crisis on the economy of Uzbekistan and ways to overcome them. – Tashkent, 2009. – P.408).

14. Ата-Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р. Ўзбекистан многонациональный историко-демографический аспект. – Тошкент, 2011. – С. 201.(Ata-Mirzaev O., Gentshke V., Murtazaeva R. Uzbekistan is a multinational historical and demographic aspect. - Tashkent, 2011 . –P. 201).

15. Ўзбекистон Республикаси. (Энциклопедик маълумотнома). –Тошкент , 2002. –Б.48.(The Republic of Uzbekistan.(Encyclopedia Handbook). – Tashkent, 2002. – P.48).

16. Акбаров Д, Мадазимов Ш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти. // Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. – Тошкент, 2009. –Б.89. (Akbarov D., Madazimov S. Role of small business and entrepreneurship in the development of the national economy.// Factors

to mitigate the effects of the global financial crisis on the economy of Uzbekistan and ways to overcome them. – Tashkent, 2009. –P.89).

17. Маҳалла-хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази. “Маҳалла” газетаси. –Тошкент, 2015. –Б.38-39. (Mahalla Center for the Development of Private Entrepreneurship and Family Business. The newspaper "Mahalla". – Tashkent, 2015. –B.38–39.)

18. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. –Тошкент, 2011. –Б.66. (Statistical compilation. The main trends and indicators of socio-economic development of the Republic of Uzbekistan over the years of independence (1990-2010) and forecasts for 2011-2015. – Tashkent, 2011. –P.66.)

19. “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 8 декабрь. (The newspaper Khalq Suzi, December 8, 2012)

20. Ўша жойда. (At this place).

21. Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент, 2017. –Б.34. (Shavkat Mirziyoyev. Critical analysis, rigorous discipline and personal responsibility should be the daily routine of every leader. –Tashkent, 2017. –P.34.)

22. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Тошкент, 2011. –Б.95- 97. (Statistical compilation. The main trends and indicators of socio-economic development of the Republic of Uzbekistan over the years of independence (1990-2010) and forecasts for 2011-2015. – Tashkent, 2011. -- S. 95-97.)

23. Ўша жойда. (There.)

24. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. –Тошкент, 2012. –Б. 32. (Report on the activities of the Commissioner of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan for Human Rights (Ombudsman) for 2011. – Tashkent, 2012. – P. 32.)

25. Ўша манба. –Б.229. (The same source. –P.229.)

26. Норматов Н. Всеобщая декларация прав человека и предпринимательская деятельность. // Демократизация общества и обеспечение прав человека-опыт Узбекистана. – Ташкент, 2014. –С.375. (Normatov N. Alldeclaration sarepublished in “Human Rights” and “Entrepreneurial Deferrost.” // Democratization of obesityand obesityofhuman rights

“Experience of Uzbekistan”. –Tashkent, 2014 .–P.375.)

27. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Тошкент, 2017. –Б.167. (Scientific and methodological brochure on the study of the State program for the implementation of the Strategy of action in the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in the “Year of dialogue with the people and human interests” in 2017-2021. –T Tashkent, 2017. –P.167.)

28. Проблемы ограничения государственного вмешательства в экономику. [http:// econtool.com/](http://econtool.com/) (Problems and limitations of state capital in the economy. [http:// econtool. com /](http://econtool.com/))

29. Экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. – Ташкент, 2016. – С.20. (The economy of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent, 2016. –P.20.)

30. Каримов И. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т., 2013. – Б.29.(Karimov I. Our main goal is to continue the path of large-scale reforms and modernization. –Т., 2013. –P.29)

31. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, 2019. –Б.20. (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis - Tashkent, 2019. – P.20.)

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора тadbирлари тўғрисида” ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент, 2018. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to further improve the rating of the Republic of Uzbekistan in the annual Doing Business report of the World Bank and the International Finance Corporation // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent, 2018)

33. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси саноат статистикаси бошқармаси маълумотларидан олинди. (Data from the Department of Industrial Statistic sof the Goskomstat of the Republic of Uzbekistan.)

34. Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 11 сентябр куни кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш ҳамда Давлат бюджетига кафолат-

ланган тушумларни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши тафсилотлари. “Халқ сўзи”. – Тошкент, 2019 12 сентябр. №189. (Details of video conferencing under the chairmanship of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev on September 11, 2019, dedicated to the further development of small business and private entrepreneurship and ensuring guaranteed revenues to the state budget. “People’s word”. – Tashkent, 2019, September 12. Number 189.)

35. Коррупция - жамият кушандаси. “Ҳуқуқ” газетаси. –Тошкент, 2019 22 август. №34 сон (Corruption is an element of society. The newspaper "Law". - Tashkent, August 22, 2019, No. 34)

36. Каюмов У. Вопросы занятости молодёжи Узбекистана. // Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. –Ташкент, 2012. – С.236. (Kayumov Yu. Issues of youthfulness of young oji in Uzbekistan. // Strategy of the national economy on co-ability, co-ability. - Tashkent, 2012. – P. 236.)

37. Социологик сўровлар 2018 йилда Тошкент давлат техника университети талаба ёшлари орасида ўтказилди. (Opinion poll In 2018, Tashkent State Technical University grass student

38. “Маҳалла” газетаси. 2018 йил 17 апрел. №43-сон. Яна қаранг: Адолат ҳқумрон жойда шикоятга ўрин йўқ (Сайёр қабуллар: натижа ва хулосалар) // “Ҳуқуқ” газетаси. 2018 йил 12 апрел. № 15. (The newspaper “Mahalla”. April 17, 2018 No. 43 See Also: Justice where there is no judgment (travel reasons: results and conclusions) // Newspaper Pravo. April 12, 2018 No. 15)

39. Ўша жойда. (There.)

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.–Тошкент, 2019.(Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis - Tashkent, 2019.)